

«Жарохат» арабча сўз бўлиб, урилгандан кейин коладиган асоратга айтилади. Шунингдек жарохат сўзи айблаш, камситиш маъносида ҳам келади, масалан: тили билан жарохатлади дейилганда «айблади, нуксонли санади» маъноси тушунилади. Жарохат сўзининг мазкур маъноси мажоз туридан бўлиб, бу ўринда маънавий жарохат назарда тутиляпти, яъни, у курул билан жарохатлаш каби моддий эмас. Жаррохлик сўзи атама сифатида инсон баданининг ҳолатига қараб, уни текширадиган ҳамда ташки ва ички аъзоларга бўлган таъсирни аниқлаб даволайдиган касб маъносини ўз ичига олади. Замонавий тиббиётда жаррохлик атамасига шундай таъриф берилган: "Инсон баданига етган зарарни кетказиш ёки тикиш, йирингни ёки касалдаги зарарли моддани чиқариб ташлаш учун тешиш ёки бир аъзони олиб ташлаш мақсадида қилинган иш жаррохликир".

Ислом тарихида жаррохлик. Ўрта асрларда Европа қора зулмат ичида яшаётган бир пайтда ислом мамлакатлари илмий, маданий, маиший ривожланишларни қўлга киритар экан, бу билан ўзга миллатлардан устунлигини ҳам кўрсатган. Замонавий жаҳон тиббиёти Ислом олимлари тажрибаларидан фойдалангани ҳолда катта ютуқларни қўлга киритишгани бугун қўпчилиққа маълум. Қуйида тиб илми бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бебаҳо мерос қолдирган баъзи шарқ олимларининг фаолияти билан қисқача танишамиз.

Абу Бакр Муҳаммад Розий (ҳиж.251/ мел.830) Ироқнинг Рой шаҳрида тугилган. Ўттиз ёшларида Богдодга қиб илмини ўрганиш учун сафар қилади. Таҳсил ҳосил қилганларидан сўнг Мористоннинг рухий касаллар шифохонаси бошлиғи қилиб тайинланади. Тибда 130 дан ортиқ китоблар ёзиб қолдирган. "Таомларнинг фойда ва зарарлари" китоби жуда машҳур бўлган. У киши биринчилардан бўлиб синикларни жаррохлик орқали даволашни ва гипс қилишда ҳар хил услублардан фойдаланишни йўлга қўйган. Ички аъзоларга катетр (йиринг ва қолдиқ қонлар чиқиб кетиши учун қўйиладиган) асбобни ишлатган. Хайвон ичагидан тикиш ишларида ип сифатида фойдаланган (олдин хайвон қили ёки аёллар сочи ишлатилган). Хайвон ичаги жисм билан бирикиши, жарохат ўрни қолмай тез битиб кетиши билан афзал ҳисобланган. Наркоз латтачаси ва қажим тампонни ҳам ўз жаррохлик ишларида биринчи бўлиб қўллаган. Жаррохлик пайтида ичдан ва томирдан қетадиган қонни биринчи-лардан бўлиб аниқ фарқларини баён қилиб, ички қон қетишини қандай тўхтатиш йўллари аниқлаган. Хижрий 311(мелодий 890) йилда Богдод шаҳрида вафот этган.

Хусайн ибн Абдуллох ибн Ҳасан ибн Абу Али ибн Сино (ҳиж.370 / мел.949) Бухоронинг Хурмуш қишлоғида тугилган. Илм ҳосил қилиш мақсадида Самарқанд, Ҳоразм, Исфажон, Ироқ ва Шомга сафар қилган. Изланишлари натижасида нафакат ўз қамонасининг, балки қалажак қамонларнинг ҳам буюқ олими бўлган десак, муқолага бўлмайди. "Тиб қонунлари" китоби ҳозирда ҳам Европа тиббиёт олийгоҳларида ўқитилади ва юзлаб тилларга таржима қилинган. У киши биринчилардан бўлиб қолани жаррохлик йўли билан тугдириш ва қуралган ичакларни тўғирлашни жаррохлик амалиётида қўллаган.

Акмал Хўкандий